

Маҳр ва унинг ҳукмлари (иккинчи мақола)



08:00 / 10.02.2025 4700

Саҳиҳ хилватдан олдинги талоқ аталган маҳрнинг ярмини вожиб қилади.

Бу ҳукм Қуръони каримда келган.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида шундай деб марҳамат қилади:

النِّكَاحُ عُقْدَةٌ بَيْنَهُمَا الَّذِي يَعْهُوَأَوْ يَعْهُوُونَ أَنْ إِلَّا فَرَضْتُمْ مَا فَنَصِفُ فَرِيضَةً لَهُنَّ فَرَضْتُمْ وَقَدْ نَمَسُوهُنَّ أَنْ قَبْلَ مِنْ طَلَّقْتُمُوهُنَّ وَإِنْ

«Агар уларга қўл теккизмай туриб талоқ қилсангиз ва маҳрни белгилаб қўйган бўлсангиз, белгиланганнинг ярмини берасиз, магар улар афв қилса ёки никоҳ тугуни қўлида бўлган киши афв қилса», (бермайсиз) (237-оят).

Агар маҳр аталмаган бўлса, саҳиҳ хилватдан олдинги талоқда «мутъа», ундан кейингида «маҳри мисл» вожиб бўлади.

Бу ҳукм ҳам Қуръони каримда келган.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида шундай дея марҳамат қилади:

الْمُحْسِنِينَ عَلَىٰ حَقِّهَا بِالْمَعْرُوفِ مَتَعًا قَدَرَهُ الْمُقْتَرِ وَعَلَىٰ قَدَرِهِ الْمَوْسِعِ عَلَىٰ وَمَتَعُوهُنَّ فَرِيضَةً لَهُنَّ تَفَرُّضًا أَوْ تَمَسُّوهُنَّ لَمَّا الْإِنْسَاءَ طَلَّقْتُمْ إِنْ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ لَّا

«Агар хотинларни, уларга қўл теккизмай туриб ёки улар учун маҳрни белгиламай туриб, талоқ қилсангиз, сизга гуноҳ йўқ. Уларни бой борича, йўқ ҳолича маъруф ила баҳраманд этинг. Яхшилик қилувчилар зиммасига бурч ўлароқ» (236-оят).

Бу оятда никоҳдан кейин, маҳрни аниқламаган ҳолатда, духулдан олдин талоқ қилганда нима бўлиши ҳақида сўз кетмоқда. Аввало, шундай ҳолатда талоқ қилиш гуноҳ эмаслиги баён қилинди.

«Агар хотинларни, уларга қўл теккизмай туриб ёки улар учун маҳрни белгиламай туриб, талоқ қилсангиз, сизга гуноҳ йўқ».

Чунки инсонгарчилик юзасидан турли ҳолатлар бўлиб туради. Албатта, бу талоқ келин учун, унинг аҳли учун оғир бўлади. Умид билан никоҳдан ўтиб, орзу-ҳавас билан янги турмушни кўзлаб турганида, оилавий ҳаётни бошламай туриб, талоқ бўлиши катта мусибат. Бунинг устига, дўсту душман, ёру биродарларнинг олдида нима деган гап бўлади?! Ана шу ҳолатларни ҳисобга олиб, маҳр ҳали тайин бўлмаганлиги учун бу келинга «мутъа» (фойда) деб номланган молиявий тақдирлаш бериш шариатда ушбу ояти карима асосида жорий қилинган.

Бериладиган мутъанинг миқдори куёв тарафга боғлиқ, имконига қараб, кўпроқ нарса берса, яхши бўлади. Ривоят қилишларича, имом Ҳасан розияллоҳу анҳу мутъа учун ўн минг дирҳам берган эканлар.

Уламоларимиз: «Мутъа ўз даврларининг ўлчовида берилади: бой бир хизматчи олиб беради, камбағал уч сидра кийим-бош берсин», деганлар.

Шундай қилинса, келин тарафга енгил бўлади, кўнгиллари таскин топади. Дўст-душманнинг гап-сўзидан ҳам қутуладилар. Чунки шунчалик мол-дунё бериш қизда айб йўқлигининг, йигит тараф уни ҳурмат қилишининг, аммо ноиложликдан ажралаётганининг аломати бўлади. Шу билан бирга, куёв тарафни ҳам қийнаб юбориш керак эмас.

Оятда:

«Уларни бой борича, йўқ ҳолича маъруф ила баҳраманд этинг», дейиляпти.

Куёв тараф «яхшилиқ ила» ҳаракат қилиши керак, шунингдек, келин тараф ҳам. Оятнинг охирида фойда бериш юқори мақом экани:

«Яхшилиқ қилувчилар зиммасига бурч ўлароқ», деб яна бир бор таъкидланяпти.

«Маҳри мисл» ўша юртда, ўша замонда бошқа келинларга одат бўйича қанча маҳр бериш жорий бўлиб турган бўлса, ўша миқдордаги маҳрдир.